

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИҚУЛОВ ФАРРУХ ИЛҲОМЖОН ЎҒЛИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БИОИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИ ВА
УЛАРДАН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Абдикулов Фаррух Илхомжон ўғли

Самарқанд вилояти биоиклимий шароитлари ва улардан туризмни
ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари3

Абдикулов Фаррух Илхомжон угли

Биоклиматические условия Самаркандской области и возможности их
использования в развитии туризма21

Abdikulov Farrukh Ilkhomjon ogli

Bioclimatic conditions of the Samarkand region and the possibilities
of their use in the development of tourism.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИҚУЛОВ ФАРРУХ ИЛҲОМЖОН ЎҒЛИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БИОИҚЛИМИЙ ШАРОИТЛАРИ ВА
УЛАРДАН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Gr185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холматжанов Бахтияр Махаматжанович
география фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камалов Баходир Асомович
география фанлари доктори, доцент

Холбаев Гульман Холбаевич
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» Ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319; E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 247 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» Ноябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «5» Ноябрь даги _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

С.В.Мягков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.

[Handwritten signature]

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

[Handwritten signature]

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда туризм иқтисодиётнинг энг йирик ва тез ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ўта муҳим ўрин тутди. Иқлим ўзгариши глобал миқёсда туризмнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси томонларининг 26-конференцияси доирасида қабул қилинган Туризм соҳасида иқлим ҳаракатлари бўйича Глазго Декларациясида «Биз иқлим ўзгариши бўйича самарали ҳаракатларни амалга ошириш учун туризмни ўзгартиришда барча манфаатдор томонларни бирлаштириш бўйича умумий мажбуриятимизни эълон қиламиз»¹, деб таъкидланган. Бу ҳолат турли минтақаларда иқлим ўзгариши хусусиятларини ўрганиш ҳамда мавжуд туристик салоҳиятдан фойдаланиш мақсадида биоиклимий шароитларни баҳолаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда об-ҳаво ва иқлим шароитларининг инсон организмига таъсирини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, иқлим ўзгариши шароитида дунёнинг турли минтақаларида мавжуд биоиклимий ресурслардан туризмни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, биоиклимий шароитларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, туристик фаолият учун қулай ва ноқулай шароитларнинг вақт ва макондаги ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ҳамда биоиклимий шароитлар тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилиш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган туризм соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарорида “туризм соҳаси самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган гидрометеорологик хизмат кўрсатиш, жумладан биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон туристик салоҳияти картографик модели ва унинг мобил иловасини яратиш”² устувор йўналишдаги вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада, мамлакатимизнинг катта туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларида биоиклимий шароитларни ўрганиш, сайёҳларни ишончли иқлимий ва биометеорологик маълумотлар билан таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ The Glasgow Declaration: a Commitment to a Decade of Tourism Climate Action, 2021. <https://www.oneplanetnetwork.org/programmes/sustainable-tourism/glasgow-declaration>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5108961>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон ва 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 828-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида туризм мақсадларида фойдаланиш учун биоиклимий шароитларни тадқиқ этишга бағишланган кўп сонли илмий ишлар эълон қилинган. Об-ҳаво ва иқлим шароитларининг инсон организмга таъсири масалалари XIX асрдан бошлаб олимлар диққат марказида бўлиб, бу соҳадаги дастлабки илмий тадқиқотлар рус олими А.И.Воейков томонидан бажарилган. Узоқ хориж мамлакатларида Р.Р.Нөппе, А.Матзаракис, З.Мieczkowski, К.Влажежczyk, Г.Жендритзky, I.A.Balogun, С.Р.Де Freitas, D.Scott, D.Fröhlich, S.Bermon, P.E.Adami, M.R.M.Daneshvar, A.Bagherzadeh, H.Farajzadeh, T.Tavousi, O.Çalışkan, N.Türkoğlu, T.P.Lin, Y.Fang, J.Yin, A.Akinbobola, С.А.Njoku ва бошқа кўплаб олимлар томонидан об-ҳаво ва иқлим шароитларининг туристик фаолиятга таъсирини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар бажариб келинмоқда.

МДХ мамлакатларида С.С.Андреев, И.А.Арнольди, Д.Ассман, В.Г.Бокша, Н.М.Воронин, О.Е.Гарабатиров, Е.Г.Головина, В.И.Русанов, М.В.Исаева, Ю.П.Переведенцев, А.В.Шумихина ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишларида турли ҳудудларнинг биоиклимий шароитлари инсон саломатлигига таъсир, иқлимий терапия, шаҳарсозлик ва биометеорологиянинг бошқа турли муаммоларини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан баҳоланган.

Ўзбекистонда илк биометеорологик тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-90-йилларида Б.А.Айзенштат ва Л.П.Лукина томонидан амалга оширилган бўлса, ҳозирги вақтда бу турдаги тадқиқотлар Ю.В.Петров, А.Қ.Абдуллаев, Б.М.Холматжанов, М.М.Махмудов ва бошқалар томонидан давом эттирилмоқда.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг изланишларида бугунги кунда давом этаётган глобал иқлим ўзгариши ҳамда янги баҳолаш

усулларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудудларининг биоиклимий шароитларини тадқиқ қилишга объектив зарурият мавжудлиги масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон шароитларини ҳисобга олувчи янги биометеорологик индекс асосида Самарқанд вилояти биоиклимий шароитлари ва улардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этишга қаратилганлиги билан юқорида келтирилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЛ-47-тур-20171175 – «Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм ҳудудларида турпакетларни диверсификацияловчи ҳамда Ўзбекистон туристик салоҳиятини кўрсатувчи картографик модел ва унинг иловасини яратиш» (2022-2023 йй.) мавзуидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг иқлимий тавсифини тузиш, биоиклимий шароитлари ҳамда вилоятда туризмни ривожлантиришда улардан фойдаланиш имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий адабиётларда мавжуд биометеорологик индексларни таҳлил қилиш ва Ўзбекистон шароитлари учун ишлаб чиқилган янги биометеорологик индекс – ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициентидан фойдаланиш имкониятларини асослаш;

туристик мақсадларда фойдаланиш учун Самарқанд вилоятининг иқлимий тавсифини тузиш ва биоиклимий шароитларнинг вақт ва макондаги ўзгаришларини тадқиқ этиш;

ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти орқали аниқланган иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг такрорланувчанлиги ва унинг ўзгаришларини баҳолаш;

биоиклимий маълумотларни фойдаланувчиларга ҳавола қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилоятининг биоиклимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти ҳудуди танланган.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд вилоятининг иқлимий ва биометеорологик шароитларини ўрганиш, биоиклимий шароитларнинг вақт ва макондаги ўзгаришларини миқдорий баҳолаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик тавсифлаш, физикавий-математик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган. Метеорологик маълумотларни статистик қайта ишлаш Fortran дастурлаш тилида ёзилган махсус ҳисоблаш дастури ёрдамида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициентини ҳисоблаш ифодасига кирувчи ҳаво ҳарорати ва намлигининг инсон организми иссиқлик ҳиссиётига таъсир йўналишлари математик таҳлил асосида аниқланган ва уни Ўзбекистонда биоиклимий шароитларни тавсифлашда қўллаш мумкинлиги асосланган;

туристик мақсадларда фойдаланиш учун Самарқанд вилоятида жойлашган метеорология станцияларининг сўнгги ўн йиллик (2009-2018 йй.) даврдаги ҳаво ҳарорати ва намлиги, булутлилик, атмосфера ёғинлари, шамол тезлиги ва йўналиши тўғрисидаги муддатли кузатув маълумотларини статистик таҳлили асосида вилоятнинг иқлимий тавсифи тузилган;

ҳаво қурғоқчилиги термогигрометрик коэффициентининг яққол ифодаланган суткалик ва йиллик ўзгаришларга эгаллиги аниқланган ҳамда унинг асосида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг кузатиш муддатлари бўйича декадалик такрорланувчанликлари миқдорий баҳоланган;

иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик ва физикавий ташкил этувчилари декадалик тақсимоли орқали ифодаланган кўп йиллик ўртача биоиклимий шароитларни қулайлик даражалари бўйича акс эттирувчи “Иқлимий-туристик-ахборот схемаси” ишлаб чиқилган;

биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд вилоятида туризм турларини диверсификациялаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсон организми иссиқлик ҳиссиётини баҳолашнинг ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти индексига асосланган усули ишлаб чиқилган;

ҳаво қурғоқчилиги термогигрометрик коэффициенти қийматларининг ўзгаришларида ҳаво ҳарорати ва намлигининг биргаликдаги таъсири статистик баҳоланган ҳамда Fortran дастурлаш тилида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг декадалар бўйича такрорланувчанлигини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

Самарқанд, Даҳбет, Нуробод, Қўшработ ва Пайшанба метеорология станцияларининг 2009-2018 йиллардаги кузатув маълумотлари асосида Самарқанд вилоятининг биоиклимий шароитлари баҳоланган;

биоиклимий маълумотларни сайёҳларга қулай шаклда ҳавола қилишнинг график усули таклиф этилган;

вилоятнинг туристик салоҳияти ва биоиклимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда 8 та туманларда туристик фаолият турларини оммалаштиришга хизмат қилувчи намунавий “Олтин халқа” туристик маршрути таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тизимида ягона усулда амалга оширилган метеорологик кузатиш маълумотларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлаш, катталиклар орасидаги алоқадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишда стандарт

статистик усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг атмосфера жараёнларининг кечиши тўғрисидаги замонавий фаразларга мос келиши билан белгиланади. Тадқиқот натижасида қўлга киритилган илмий натижалар, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинган ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истиқболда Ўзбекистон ҳудуди учун биоиклимий шароитларни тадқиқ этишда биометеорологик индекс сифатида ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффиценти (ТГК)дан фойдаланиш мумкинлигининг асосланганлиги, иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг такрорланувчанлигини ҳисоблаш алгоритмининг яратилганлиги, ишлаб чиқилган “Иқлимий-туристик-ахборот схемаси” Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига метеорологик хизмат кўрсатишни янги сифат даражасига кўтариш имконини бериши, шунингдек, диссертацияда қўлланилган назарий ёндашувлар биоиклимий шароитларни баҳолашнинг янги методологик асосларини ривожлантиришга замин яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, туристик мақсадларда тузилган иқлимий тавсифлаш ва биоиклимий шароитларни баҳолаш усуллари, шунингдек, биоиклимий шароитларни эътиборга олган ҳолда туризм турларини диверсификациялаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилоятида туризмнинг барқарор ривожланишига, хулоса ва тавсияларидан оммавий маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланишга, республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнида биометеорология ва тиббий метеорология махсус фанларини ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти биоиклимий шароитлари ва улардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффицентини ҳисоблаш ифодасига кирувчи ҳаво ҳарорати ва намлигининг математик таҳлили асосида аниқланган инсон организми иссиқлик ҳиссиётига таъсир йўналишлари ва уни Ўзбекистонда биоиклимий шароитларни тавсифлашда қўллаш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 13 июндаги 30-06/66-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистоннинг турли табиий-географик шароитларга эга бўлган минтақаларида биоиклимий шароитларни баҳолашнинг услубий асосларини яратиш имконини берган;

туристик мақсадларда фойдаланиш учун Самарқанд вилоятида жойлашган метеорология станцияларининг сўнгги ўн йиллик (2009-2018 йй.) даврдаги ҳаво ҳарорати ва намлиги, булутли ва қуёшли кунлар, атмосфера ёғинлари миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши тўғрисидаги муддатли кузатув маълумотларини статистик таҳлили асосида тузилган вилоятнинг иқлимий тавсифи Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати

маркази амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 13 июндаги 30-06/66-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳларни ишончли иқлимий маълумотлар билан таъминлаш имконини берган;

ҳаво қурғоқчилиги термогигрометрик коэффициентининг аниқланган яққол ифодаланган суткалик ва йиллик ўзгаришларга эгаллиги ҳамда унинг асосида ҳисобланган иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг кузатиш муддатлари бўйича декадалик такрорланувчанликларини миқдорий баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 13 июндаги 30-06/66-сон маълумотномаси). Натижада, иссиқлик ҳиссиётининг суткалик ва йиллик тақсимотини баҳолаш усули биометеорологик шароитларнинг картографик моделини яратишга имкон берган;

иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик ва физикавий ташкил этувчилари декадалик тақсимоти орқали ифодаланган кўп йиллик ўртача биометеорологик шароитларни қулайлик даражалари бўйича акс эттирувчи “Иқлимий-туристик-ахборот схемаси” Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 13 июндаги 30-06/66-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 04-18-2885-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилган схема туристик марказларнинг биоиклимий шароитлари буклетларини яратишга асос бўлиб хизмат қилган;

биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд вилоятида туризм турларини диверсификациялаш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 27 июндаги 04-18-2885-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилояти ҳудудида биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туристик фаолият турларини барқарор ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, унинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Самарқанд вилоятининг табиий-географик тавсифи, туристик салоҳияти ва биоклимий шароитларни баҳолаш усуллари»** деб номланган. Мазкур бобда Самарқанд вилоятининг табиий-географик тавсифи ва туристик салоҳияти баён қилинган, мавжуд биометеорологик кўрсаткичлар ва индекслар шарҳланган, ҳаво қурғоқчилиги термогигрометрик коэффициенти ва биометеорологик шароитлар тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилиш усули келтирилган, тадқиқотда фойдаланилган бошланғич маълумотлар изоҳланган ва уни бажаришда ҳисоб даврининг танланиши асослаб берилган.

Ўзбекистон ҳудудининг мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган янги табиий-географик районлаштириш схемасига кўра Самарқанд вилояти ҳудуди Ўрта Зарафшон округи таркибига киради. Ўрта Зарафшон табиий-географик округи Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, Ўзбекистонда унга Самарқанд ва Сангзор-Нурота ботиқлари тўғри келади. Округ ғарбда Ҳазор йўлаги орқали Қуйи Зарафшон округидан ажралиб туради. Шарқдан Чумқортоғ, шимолдан Нурота ва Сангзор тизма тоғлари билан, жанубдан эса Қоратепа, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғлари билан ўралган. Шарқий чегараси шартли равишда Тожикистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтади.

Ўзбекистон Республикасида жойлашган моддий-маданий мерос кўчмас мулк объектларининг географик жойлашуви рейтингига мувофиқ Самарқанд вилояти археология, архитектура, монументал ёдгорликлар ҳамда диққатга сазовор жойларнинг сони бўйича республикамизда биринчи ўринни эгаллайди. Вилоятда жами 1607 та туристик объект мавжуд бўлиб, уларнинг 985 таси археологик объектлар, 552 таси архитектура, 36 таси монументал ва 34 таси эса диққатга сазовор жойлардир.

Инсон биологик тур сифатида атроф-муҳитнинг турли шароитларига нисбатан таъсирчандир. Инсоннинг иссиқлик ҳиссиётига таъсир этувчи кўп сонли атроф-муҳит омилларини ўзаро боғлаш биометеорологик индекслар орқали амалга оширилади. Биометеорологик индекслар инсон ҳаёт кечирувчи атроф-муҳит ҳолатини баҳолашнинг билвосита индикаторлари бўлиб, унинг иссиқлик тузилиши хусусиятларини физик жиҳатдан тавсифлайди. Сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида хориж мамлакатларида иқлим шароитларининг туристик фаолиятга таъсирини

баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар бажариб келинмоқда. Биоиклимий шароитларни туризм мақсадларида баҳолаш учун Z.Mieczkowski томонидан таклиф этилган TCI (Tourism Climate Index), K. Błażejczyk томонидан тавсия этилган UTCI (Universal Thermal Climate Index) ҳамда H.Mayer ва P.Höppe томонидан таклиф этилган PET (Physiological Equivalent Temperature) индексларидан дунё миқёсида кенг фойдаланилмоқда.

Дунё миқёсида қўлланилаётган биометеорологик индексларнинг аксарияти XX асрда илмий муомалага киритилган бўлиб, мавжуд биоиклимий шароитларни тўлиқ тавсифлаш учун етарли эмас. Бу борада инсон организми термофизиологик ҳолатини эътиборга олувчи UTCI ва PET индекслари биоиклимий шароитларни тавсифлаш учун энг самарали ҳисобланади. Бироқ, уларни ҳисоблаш нурли ҳарорат қийматига асосланганлиги туфайли, Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш имконияти чекланган. Шу боис, диссертация ишида мамлакатимиздаги биоиклимий шароитларни баҳолаш ўзбекистонлик олимлар Ю.В.Петров ва А.Қ.Абдуллаев таклиф этган янги биометеорологик индекс – ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти (ТГК) асосида бажарилган:

$$K = \frac{T - \tau}{T} = \frac{\Delta}{T}, \quad (1)$$

бу ерда T – ҳаво ҳарорати (Кельвин); τ – шудринг нуқтаси ҳарорати; $T - \tau = \Delta$ – шудринг нуқтаси дефицити.

ТГК нинг ўзгаришларида ҳаво ҳарорати ва намлиги ўзгаришларининг аҳамиятини аниқлаш учун (1) ифодани логарифмлаймиз ва дифференциаллаймиз:

$$\left. \frac{dK}{K} \right|_{T=const} = - \frac{d\tau}{T - \tau}, \quad (2)$$

$$\left. \frac{dK}{K} \right|_{\tau=const} = \frac{\tau dT}{T(T - \tau)}, \quad (3)$$

Ўзгармас ҳаво ҳарорати шароитида (2) ифодага мувофиқ намликнинг ортиши ҳаво қуруқлигининг камайишига, (3) ифодага биноан эса ўзгармас намлик шароитида ҳаво ҳароратнинг ортиши ҳаво қуруқлигининг ортишига олиб келади.


Иссиқлик ҳиссиёти зоналарини аниқлашда Ю.В.Петров томонидан тузилган ҳаво ҳарорати ва ТГК боғлиқлиги номограммасидан фойдаланилди. Номограммадаги 3-зона инсон организми учун иссиқлик комфорти шароитларини тавсифлайди. 2-зона инсон организмига паст ҳароратларда, 4- ва 5-зоналар эса юқори ҳароратлардаги ноқулай тазйик (пессимум) шароитларини тавсифлайди. 1- ва 6-зоналар иссиқлик ҳиссиётининг ўта ноқулай шароитларига мос келади.

Биоиклимий шароитларни иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик (булутлилик ва нисбий намлик) ва физикавий (димқиш, ёғингарчилик, шамол) ташкил этувчиларини акс эттирувчи “Иқлимий-туристик-ахборот схемаси”ни декадалик қийматлар асосида ҳавола қилиш таклиф этилган. Схема батафсил иқлимий маълумотлардан иборат бўлиб, қуйидаги асосда тузилган: *иссиқлик ташкил этувчилари* – совуқлик стресси (ТГК=1-зона); термик комфорт (ТГК=3-зона); иссиқлик стресси (ТГК=6-зона); *эстетик ташкил этувчилар* – очик об-ҳаво (булутлилик < 5 балл); туман (нисбий намлик > 93%); *физикавий ташкил этувчилар* – димқиш (сув буғи босими > 18 гПа); ёғинли кунлар (ёғинлар миқдори > 5 мм); курук кунлар (ёғинлар миқдори < 1 мм); шамолли кунлар (шамол тезлиги > 8 м/с).

Диссертация ишида Самарқанд вилоятининг иқлимий тавсифи ва биоиклимий шароитларини баҳолаш Самарқанд, Даҳбет, Нуробод, Қўшработ ва Пайшанба метеорология станцияларида кузатилган ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, шамол, булутлилик ва атмосфера ёғинлари маълумотлари асосида амалга оширилди. Тадқиқот даврини танлаш мақсадида асосий иқлимий кўрсаткич ҳисобланган ҳаво ҳарорати маълумотлари ўтган учта тўлиқ 30 йиллик иқлимий даврлар (1961-1990, 1971-2000, 1981-2010 йй.) ҳамда 1991-2016 ва 2009-2018 йилларни қамраб олувчи 26 ва 10 йиллик иккита даврлар учун қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида қиёсланган даврларда ҳароратнинг ортиши 0,3°C дан 1,5°C гачани ташкил этганини кўрсатди. Шундай қилиб, олдинги йилларда кузатилган метеорологик шароитларнинг иқлимий ўртачалаш натижаларига таъсирини бартараф этиш мақсадида тадқиқот ишида сўнгги йилларни қамраб олувчи 2009-2018 йиллар тадқиқот даври сифатида танланди.


Диссертация ишининг «Самарқанд вилоятининг иқлимий тавсифи, биоиклимий шароитларнинг вақт давомидаги ўзгариши ва уларга таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш» деб номланган **иккинчи бобид**а туристик мақсадларда фойдаланиш учун вилоятнинг иқлимий тавсифи тузилган, ТГК асосида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг сутка ва йил ичидаги ўзгаришлари аниқланган, иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг такрорланувчанлиги ҳисобланган, ТГК билан ҳаво ва шудринг нуқтаси ҳароратлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланган.

Кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг йил ичидаги тақсимоли таҳлилига кўра йилнинг энг иссиқ ойи июль бўлиб, бу кўрсаткич Даҳбетда 27,1°C дан Нурободда 29,8°C гача, энг совуқ ойи январь бўлиб, Қўшработда 1,3°C дан Самарқандда 3,3°C гача ораликдаги қийматларни ташкил этган (1а-расм). Вилоят ҳудудида ҳароратнинг суткалик амплитудалари қиш ойларида 4,9-8,0°C, ёз ойларида эса 12,0-16,0°C оралиғида ўзгарган. Вилоятда атмосфера ёғинларининг асосий қисми октябрдан майгача бўлган даврда кузатилади. Ёғинлар кузатилган кунлар сони етарлича катта ўзгарувчанликка эга бўлиб, июлдан сентябргача бўлган даврда ёғинли кунлар деярли кузатилмайди. Декада давомида 10 мм дан кўп ёғинлар кузатиладиган давр йилнинг совуқ ярим йиллигига мос келади (1б-расм).



1-расм. Самарқанд метеорология станциясида кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати (Т, °С), атмосфера ёғинлари миқдори (R, мм) (а) ва ёғинли кунлар сонининг (б) йил ичидаги тақсимоти (2009-2018 йй.)

Вилоятда кўп йиллик ўртача сув буғи босимининг энг кичик қийматлари киш ойларида, энг катта қийматлари эса баҳор ва ёз мавсумларида қайд этилади (2а-расм). Нисбий намликнинг йил давомидаги минимал қийматлари, аксинча, ёз ойларида, максимал қийматлари эса қиш ойларида кузатилади.




2-расм. Самарқанд метеорология станциясида кўп йиллик ўртача ойлик сув буғи босими (е, гПа), нисбий намлик (f, %) (а), булутли ва қуёшли кунлар сонининг йил ичидаги тақсимоти (б) (2009-2018 йй.)

Октябрнинг сўнгги ўн кунлигидан бошлаб булутлилик 5 баллдан юқори бўлган кунлар сони декаданинг ярмидан кўпроқ кунларини ташкил этади. Энг кўп булутли кунлар сони (6 ва ундан кўп) январь-март оралиғига тўғри келади. Августдан сентябрнинг биринчи ўн кунлигигача бўлган даврда булутли кунлар сони декадада ўртача 1 кунни ташкил этади. Қуёшли кунлар сони январь-май оралиғида декадада ўртача 2 кун давомийликка эга бўлиб, майнинг учинчи ўн кунлигидан бошлаб кескин ортиб боради ва август-сентябрда декадада 8,0-9,2 кунни ташкил этади (2б-расм).

ТГК асосида аниқланган иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг сутка ва йил ичидаги тақсимоти таҳлил қилинди. Мисол тариқасида Самарқанд метеорология станцияси ҳудудида иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг 08.00 ва 14.00 даги тақсимотлари келтирилган (3-расм). Қиш мавсумининг барча ойлари, март ҳамда ноябрда суткалик саккиз кузатиш муддатларининг ҳаммасида ўта совуқ ва совуқ ҳиссиёт шароитлари қайд этилади. Бирок, қиш ойларида Самарқандда кундузги (11.00, 14.00, 17.00) муддатларда фақат

1-зона шароитлари хукмронлик қилган. Апрельда тунги ва кундузги муддатларнинг барчасида совуқ ва комфорт иссиқлик ҳиссиёти шароитлари кузатилган. Майда эса сутка давомида комфорт иссиқлик ҳиссиёти шароитлари устуворлик қилади.



3-расм. Самарқанд шаҳрида кўп йиллик ўртача иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги тақсимоти (2009-2018 йй.)


1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ

Ёз мавсумида 02.00 ва 05.00 муддатларда комфорт, 08.00, 20.00 ва 23.00 муддатларда комфорт ҳамда нисбий комфорт шароитлари устуворлик қилса, 11.00, 14.00 ва 17.00 муддатларда нисбий комфорт иссиқлик ҳиссиёти шароитлари қайд этилган. Сентябрьда тунги кузатув муддатларида совуқ ва комфорт, кундузги муддатларда эса комфорт ва нисбий комфорт иссиқлик ҳиссиёти шароитлари кузатилади. Октябрда суткалик саккиз кузатиш муддатларининг ҳаммасида совуқ ва комфорт иссиқлик ҳиссиёти шароитлари устуворлик қилган бўлиб, 05.00 ва 08.00 муддатларида ўта совуқ иссиқлик ҳиссиёти шароитлари ҳам юзага келади. Шундай қилиб, ТГК кўп йиллик ўртача қийматлари яққол ифодаланган суткалик ва йиллик ўзгаришга эга эканлиги маълум бўлди.

Иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг тақсимотини миқдорий баҳолаш мақсадида ҳар бир кузатиш муддатларида тадқиқот даври мобайнида қайд этилган барча ҳиссиёт шароитларининг фоизларда ифодаланган такрорланувчанлиги декадалар кесимида ҳисобланди. Самарқанд метеорология станциясида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг 08.00 ва 14.00 даги декадалик такрорланувчанликлари 4-расмда келтирилган. Ҳисоблаш натижаларининг кўрсатишича, Самарқандда қиш ойларида 1- ва 2-зона шароитлари устуворлик қилса-да, 3-зона шароитлари ҳам кузатилиб, декада давомида 13,0% дан 38,0% гача такрорланувчанликка эга. Баҳор мавсумида 1- ва 2-зона шароитларининг такрорланувчанлиги камайиб борса-да (23,0-35,0% оралиғида), кундузги кузатув муддатларида уларнинг такрорланувчанлиги юқориликка қолади. Мартнинг учинчи декадасига келиб 3-зона шароитларининг такрорланувчанлиги сезиларли ортиб, 50,0% гача кўтарилади. Апрельда сутка давомида 2- ва 3-зона шароитлари устуворлик қилиб, уларнинг такрорланувчанлиги 30,0-55,0% ни ташкил этади. Майда кундузги муддатларда 4-зона, қолган муддатларда эса 3-зона шароитлари устуворлик қилади.

Ёз ойларида Самарқандда 4-зона шароитларининг такрорланувчанлиги энг катта қийматларга эга бўлиб, яққол ифодаланган суткалик ўзгаришга эга.

08.00, 14.00, 17.00 ва 23.00 кузатув муддатларида бу зона шароитларининг такрорланувчанлиги 70,0% гача, 11.00 ва 20.00 да 90,0% гача ҳолатларни ташкил этади. Ҳарорат энг юқори бўлган июль ойида 14.00 ва 17.00 да 5-зона шароитларининг такрорланувчанлиги 35,0% гача ҳолатларда кузатилади. Сентябрдан бошлаб иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг тақсимоотида 4-зона такрорланувчанлигининг камайиши, 3- ва 2-зона такрорланувчанлигининг эса ортиши кузатилади. Октябрь-ноябрь даври 3-зона такрорланувчанлигининг камайиши ва 2- ва 1-зона такрорланувчанлигининг ортиб бориши билан тавсифланади.



4-расм. Самарқанд шаҳрида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг кўп йиллик ўртача декадалик такрорланувчанлиги, % (2009-2018 йй.)


1 – ўта совуқ, 2 – совуқ, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ

ТГК нинг ўзгаришларида ҳаво ҳарорати ва намлигининг биргаликдаги таъсири Самарқанд метеорология станцияси мисолида статистик баҳоланди. Баҳолашларнинг кўрсатишича, йилнинг ўтиш мавсумларида ТГКнинг ўзгаришларида ҳаво ҳарорати ўзгаришларининг кўшган ҳиссаси юқори бўлиб, 75,0% дан пасаймайди. Декабрь, январь ва майда ҳаво ҳароратининг ҳиссаси 50,0% ва ундан ортиқни ташкил этади. Йилнинг энг иссиқ ойи бўлган июлда эса унинг ҳиссаси 50,0% дан кичик қийматларга эга.

Диссертациянинг **учинчи боби «Самарқанд вилоятида биоиклимий шароитларни баҳолаш ва улардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари»** деб номланиб, унда тадқиқ этилаётган метеорология станциялари ҳудудлари учун “Иқлимий-туристик-ахборот схемалари” тузилган, ТГК бўйича ҳисобланган иссиқлик ҳиссиёти зоналарининг тақсимооти мавжуд биометеорологик индекслар билан қиёсланган ҳамда Самарқанд шаҳрида атмосферанинг ифлосланиши даражаси кўриб чиқилган. Боб якунида, биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд вилоятида туризм турларини диверсификациялаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобда диссертация ишининг иккинчи боби доирасида олинган натижалар умумлаштирилиб, Самарқанд вилоятида жойлашган метеорология станциялари учун “Иқлимий-туристик-ахборот схемалари” ҳавола қилинди. Термик комфорт нуктаи назаридан “қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар вилоятнинг асосий туристик маркази бўлган Самарқанд шаҳрида мартнинг иккинчи декадасидан июннинг иккинчи декадасигача ҳамда августнинг иккинчи декадасидан ноябрнинг биринчи декадасигача бўлган

даврда қайд этилади (5-расм). Дахбетда бундай шароитлар мартнинг иккинчи декадасидан июннинг иккинчи декадасигача ва августнинг иккинчи декадасидан октябрнинг иккинчи декадасигача, Нурободда апрелнинг биринчи декадасидан октябрнинг учинчи декадасигача, Қўшрабодда апрелнинг иккинчи декадасидан сентябрнинг учинчи декадасигача, Пайшанбада эса мартнинг учинчи декадасидан октябрнинг учинчи декадасигача бўлган даврда қайд этилади.



5-расм. Самарқанд шаҳри учун қулайлик даражалари бўйича “Иклимий-туристик-ахборот схемаси” (2009-2018 йй.)

Эстетик ташкил этувчи – 5 баллдан юқори булутлилик кузатилган кунлар бўйича октябрнинг учинчи декадасидан майнинг биринчи декадасигача бўлган даврда “ноқулай” ва “жуда ноқулай” шароитлар қайд этилади. Кейинги эстетик ташкил этувчи – нисбий намлик 93% дан юқори бўлган кунларнинг такрорланувчанлиги 25,0% дан кам, қулайлик даражалари бўйича бу ҳолат “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитларни таъминлайди. Об-ҳавонинг физикавий ташкил этувчилари – сув буғи босими 18 гПа дан юқори бўлган кунлар, ёғинларсиз ва ёғинли кунлар ҳамда шамол тезлиги 8 м/с дан катта бўлган кунлар сони бўйича Самарқандда “жуда қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар йил давомида кузатилади.

Тадқиқотда Самарқанд метеорология станцияси маълумотларига таяниб ҳисобланган ТГК қийматлари ҳамда бир қатор хорижий мамлакатларда қўлланилаётган эквивалент-эффектив ҳарорат (ЕТ) ва радиацион эквивалент-эффектив ҳарорат (РЭЭТ) биометеорологик индекслари киёсланди. Қиёсий таҳлил ЕТ ва РЭЭТ индекслари бўйича Самарқандда кучли иссиқлик юкламаси шароитлари умуман қайд этилмаганлигини кўрсатди. ЕТ ва РЭЭТ индекслари Ўзбекистон учун хос бўлган ёзги юқори ҳароратларда иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг ўзгаришини ТГК га нисбатан пастроқ сезгирлик билан ифодалаши аниқланди. ЕТ ва РЭЭТ индекслари қаҳратон қиш шароитларига эга бўлган шимолий кенгликлар учун ишлаб чиқилганлиги туфайли паст ҳароратларда ТГК га нисбатан ҳиссиёт шароитларини батафсилроқ тавсифлаши аниқланди. Кўп йиллик ўртача декадалик қийматлар бўйича ЕТ ва РЭЭТ индекслари иссиқлик ҳиссиёти шароитларидаги фарқларни ТГК га нисбатан яхшироқ тавсифлаши кўрсатиб берилди.

Туризм фаолиятини ташкил этишда атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, хусусан, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд шаҳрида атмосферага ташланаётган барча ифлослантирувчи моддаларнинг ҳиссасини умумлашган ҳолда ҳисобга олувчи атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси (АИИ) ҳисобланди. Кўп йиллик ўртача йиллик АИИ қиймати 1,71 ни ташкил этиб, бу қиймат атмосфера ифлосланиш даражасининг паст эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг якуний босқичида вилоятнинг туристик салоҳияти ҳамда биоиклимий шароитларини узвий боғлаган ҳолда Самарқанд вилоятида йил давомида барқарор туризмни таъминлаш имкониятлари очиб берилди. Кўп йиллик метеорологик маълумотлар таҳлили асосида тарихий-маданий, зиёрат туризми, экотуризм ва тоғ туризми, агро ва вино туризми учун қулай мавсумлар аниқланди. Таҳлил асосида вилоятнинг 8 та туманини ўз ичига олган қуйидаги намунавий “Олтин халқа” туристик маршрути таклиф этилди. Бу маршрутлар 3-4 кунлик давомийликка эга бўлиб, туризмнинг айнан бир турига (тарихий-маданий ёки зиёрат) эмас, балки “Аралаш” (мавзули, рекреация, агро, экологик, спорт ва бошқа) тамойили асосида тузилса, актив туризмни хоҳловчилар учун ҳам қизиқарли дастур бўлади (6-расм):



6-расм. “Олтин халқа” туристик маршрути

Август ойининг сўнгги декадасида трасса тузилишига кўра ўзида “чизиқли”, “халқали” ва “радиал” маршрутларни мужассам қилган “аралаш” дастур маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга таклиф этилса, вилоятнинг туристик жозибадорлиги янада ортади.

ХУЛОСА

Бажарилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар берилди.

1. Мамлакатимиздаги биоиклимий шароитларни тадқиқ этиш ўзбекистонлик олимлар таклиф этган янги биометеорологик индекс – ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффиценти (ТГК) асосида бажарилган. ТГКни ҳисоблаш ифодасига кирувчи ҳаво ҳарорати ва намлигининг инсон организми иссиқлик ҳиссиётига таъсир йўналишларини математик таҳлил қилиш орқали уни Ўзбекистонда биоиклимий шароитларни тавсифлашда қўллаш мумкинлиги илмий асосланган.

2. Самарқанд вилоятида жойлашган метеорология станцияларида 2009-2018 йиллар мобайнидаги кузатув маълумотларини статистик қайта ишлаш асосида Самарқанд вилоятининг иқлимий тавсифи тузилган. Кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг йил ичидаги тақсимоли таҳлиliga кўра йилнинг энг иссиқ ойи июль бўлиб, Даҳбетда $27,1^{\circ}\text{C}$ дан Нурободда $29,8^{\circ}\text{C}$ гача, энг совуқ ойи январь бўлиб, Қўшрабодда $1,3^{\circ}\text{C}$ дан Самарқандда $3,3^{\circ}\text{C}$ гача оралиқдаги қийматларни ташкил этишини кўрсатган. Вилоят ҳудудида ҳароратнинг суткалик амплитудалари қиш ойларида $4,9-8,0^{\circ}\text{C}$, ёз ойларида эса $12,0-16,0^{\circ}\text{C}$ оралиғида кузатилган. Вилоятда кўп йиллик ўртача йиллик атмосфера ёғинлари миқдори Самарқандда $352,7$ мм, Даҳбетда $352,0$ мм, Нурободда $333,0$ мм, Қўшрабодда $390,5$ мм, Пайшанбада $285,4$ мм ни ташкил этиб, уларнинг асосий қисми октябрдан майгача бўлган даврда кузатилган. Ёғинлар кузатилган кунлар сони етарлича катта ўзгарувчанликка эга бўлиб, июлдан сентябргача бўлган даврда ёғинли кунлар деярли кузатилмайди. Декада давомида 10 мм дан кўп ёғинлар йилнинг совуқ ярим йиллигида кузатилган.

3. Самарқанд вилоятида иссиқлик ҳиссиёти зоналарини аниқлашда фойдаланилган ТГК кўп йиллик ўртача қийматлари яққол ифодаланган суткалик ва йиллик ўзгаришга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Барча станцияларда сутка давомида қиш ойларида 1-зона (ўта совуқ), ноябрь ва мартда 1- ва 2-зона (совуқ), октябрь ва апрелда 2- ва 3-зона (комфорт), сентябрда 1-, 2- ва 3-зона, қолган ойларда эса 3- ва 4-зона (нисбий комфорт) иссиқлик ҳиссиёти шароитлари қайд этилган. 5-зона (иссиқ) шароитлари фақат июль ва августда кундузги муддатларда юзага келади.

4. Ҳисоблаш натижалари барча станциялар ҳудудида қиш ойларида 1- ва 2-зона иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг такрорланувчанлиги устуворлик қилса-да, Самарқанд ва Даҳбетда ҳатто тунги муддатларда ҳам 3-зона шароитларининг қайд этилишини кўрсатди. Ўтиш мавсумларида вилоятда сутка давомида 2- ва 3-зона шароитларининг такрорланувчанлиги ортиб боради. Ёз мавсумида эса кундузги муддатларда 4- ва 5-зона, қолган муддатларда эса 3- ва 4-зоналарнинг такрорланувчанлиги устувор ҳисобланади.

5. Кўп йиллик ўртача биоиклимий шароитларни иссиқлик ҳиссиёти, об-ҳаво шароитларининг эстетик ва физикавий ташкил этувчиларининг декадалар бўйича тақсимланиши орқали акс эттирувчи “Иқлимий-туристик-ахборот схемаси” ишлаб чиқилган. Термик комфорт нуқтаи назаридан “қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар вилоятнинг асосий туристик маркази бўлган Самарқанд шаҳрида мартнинг иккинчи декадасидан июннинг

иккинчи декадасигача ҳамда августнинг иккинчи декадасидан ноябрнинг биринчи декадасигача, Даҳбетда мартнинг иккинчи декадасидан июннинг иккинчи декадасигача ва августнинг иккинчи декадасидан октябрнинг иккинчи декадасигача, Нурободда апрелнинг биринчи декадасидан октябрнинг учинчи декадасигача, Кўшрабодда апрелнинг иккинчи декадасидан сентябрнинг учинчи декадасигача, Пайшанбада эса мартнинг учинчи декадасидан октябрнинг учинчи декадасигача бўлган даврда қайд этилган.

6. Самарқанд метеорология станцияси маълумотлари асосида ҳисобланган ТГК қийматлари ҳамда эквивалент-эффektiv ҳарорат (ЕТ) ва радиацион эквивалент-эффektiv ҳарорат (РЭЭТ) индекслари қийматлари қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил ЕТ ва РЭЭТ индекслари бўйича Самарқандда кучли иссиқлик юклагачи шароитлари умуман қайд этилмаганлигини кўрсатди. ЕТ ва РЭЭТ индекслари Ўзбекистон учун хос бўлган ёзги юқори ҳароратларда иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг ўзгаришини ТГК га нисбатан пастроқ сезгирлик билан, паст ҳароратларда эса ҳиссиёт шароитларини юқорироқ сезгирлик билан тавсифлаши аниқланган. Кўп йиллик ўртача декадалик қийматлар бўйича ЕТ ва РЭЭТ индекслари иссиқлик ҳиссиёти шароитларидаги фарқларни ТГК га нисбатан яхшироқ тавсифлаши кўрсатиб берилган.

7. Самарқанд шаҳрида жойлашган атмосфера ҳавосини кузатиш пунктлари маълумотлари асосида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ўрганилган. Атмосферага чиқарилаётган барча ифлослантирувчи моддаларнинг ҳиссасини умумлашган ҳолда ҳисобга олувчи атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси (АИИ) ҳисобланган. Кўп йиллик ўртача йиллик АИИ қиймати 1,71 ни ташкил этиб, бу қиймат атмосфера ифлосланиш даражасининг паст эканлигини кўрсатади.

8. Вилюятнинг туристик салоҳияти ҳамда биоиклимий шароитларини узвий боғлаган ҳолда Самарқанд вилюятида йил давомида барқарор туризмни таъминлаш имкониятлари очиб берилган. Туманларнинг туризм турларига ихтисослашувини ҳисобга олиб, “ўсиш қутблари” белгилаб берилган. Вилюятдаги метеорология станцияларидан олинган кўп йиллик маълумотлар таҳлили асосида тарихий-маданий, зиёрат туризми, экотуризм ва тоғ туризми, агро ва вино туризмининг мавсумийлиги бўйича туристлар оқимининг актив ва пассив даврлари бўйича илмий таҳлиллар келтирилган. Бажарилган таҳлиллар асосида вилюятнинг 8 та туманини ўз ичига олган намунавий “Олтин халқа” туристик маршрути таклиф этилган.

9. Самарқанд вилюятининг шимолий, жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудларини иқлимий ва биометеорологик нуқтаи назардан тўлиқроқ тавсифлаш учун бу ҳудудларда янги метеорология станцияларини очиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019. Gr. 47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДИКУЛОВ ФАРРУХ ИЛХОМЖОН УГЛИ

**БИОКЛИМАТИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА**

11.00.04 – Метеорология. Климатология. Агрометеорология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Gr185.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.nigmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Холматжанов Бахтияр Махаматжанович доктор географических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Камалов Баходир Асомович доктор географических наук, доцент Холбаев Гульман Холбаевич кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «18» Ноября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули 72. Тел: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319; E-mail: info@nigmi.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за № 217). Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули 72. Тел: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319).

Автореферат диссертации разослан «5» Ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «5» Ноября 2022 г.)



С.В.Мягков

С.В.Мягков
Заместитель Председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

Б.Э.Нишонов

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н.

Х.Т.Эгамбердиев

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире туристическая индустрия является одной из самых крупных и быстрорастущих отраслей экономики и занимает чрезвычайно важное место в развитии национальной экономики. Изменение климата оказывает значительное влияние на развитие туризма в мировом масштабе. В связи с этим в Глазговской декларации, принятой в рамках 26-й Конференции сторон Рамочной конвенции Организации Объединенных Наций об изменении климата, подчеркивается, что «мы заявляем о нашей общей приверженности объединению всех субъектов деятельности в деле преобразовании туризма для обеспечения эффективных действий по борьбе с изменением климата»¹. Эти обстоятельства обуславливают необходимость изучения особенностей изменения климата в различных регионах и совершенствования методов оценки биоклиматических условий в целях использования имеющегося туристического потенциала.

В мире ведутся научные исследования по разработке методов оценки влияния погодных и климатических условий на организм человека, оценке возможностей использования биоклиматических ресурсов различных регионах мира в целях развития туризма в условиях изменения климата. В этой связи особое внимание уделяется изучению факторов, влияющих на формирование биоклиматических условий, закономерностей временного и пространственного изменения благоприятных и неблагоприятных условий для туристской деятельности, а также разработке методов предоставления информации о биоклиматических условиях.

В нашей республике в последние годы реализуются комплексные меры и целевые программы, направленные на развитие туристической индустрии, являющейся одной из важнейших отраслей экономики страны и достигнуты определенные результаты. В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2020 года № ПП-4896 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан” одной из приоритетных задач названо “оказание специализированных гидрометеорологических услуг, в том числе создание картографической модели туристского потенциала Узбекистана и ее мобильного приложения, с учетом биоклиматических условий в целях повышения эффективности туристской отрасли”². В связи с этим, важное значение имеют научные исследования, направленные на изучение биоклиматических условий в регионах нашей страны с большим туристическим потенциалом и обеспечение туристов достоверными климатическими и биометеорологическими данными.

¹ The Glasgow Declaration: a Commitment to a Decade of Tourism Climate Action, 2021. <https://www.oneplanetnetwork.org/programmes/sustainable-tourism/glasgow-declaration>

² Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2020 года № ПП-4896 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан”. <https://lex.uz/docs/5108961>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5611 от 5 января 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан” и №УП-5781 от 13 августа 2019 года “О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан”, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4896 от 17 ноября 2020 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан” и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 828 от 30 сентября 2019 года “О дополнительных мерах по эффективному использованию и развитию туристского потенциала Самаркандской области”, а также другими нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

